



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 12 » fevral

№ 83

Toshkent sh.

### 2025–2026 йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330-сон қарорига мувофиқ 2025 йил яқунига қадар республикадаги камбағал оиласларнинг 3–7 ёшли болаларини мактабгача таълим билан қамров даражасини **80** фоизга етказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

2025–2026 йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури **1-иловага** мувофиқ;

2025–2026 йилларда 3–7 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ;

Жаҳон банкининг “Болаларнинг эрта ёшдан ривожланишига кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ўйин майдончалари ва тайёрлов гуруҳларини стол-стуллар билан жиҳозлаш бўйича кўрсаткичлар **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

3. Белгилаб қўйилсинки:

аҳолининг яшаш даражаси ва тўлов қобилияти юқори бўлган (камбағал оиласлар кам бўлган) маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари;

олис ва чекка (туман ва шаҳарлар марказида жойлашмаган) маҳаллаларда оиласлар нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари;

аҳолининг тўлов қобилияти паст (камбағал оилалар нисбатан кўп бўлган) ҳамда демографик ўсиш даражаси юқори бўлган маҳаллаларда давлат, шунингдек, халқаро молия институтлари кредит ва грантлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари;

ижтимоий соҳа муассасаларининг бўш биноларида қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилади.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги:

а) “Болаларнинг эрта ёшдан ривожланишига кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида Жаҳон банки томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан **2025 йил 1 марта қадар**:

мазкур қарорнинг З-иловасида белгиланган мактабгача таълим ташкилотларининг ўйин майдончалари ва тайёрлов гуруҳларини стол-стул билан жиҳозлаш;

Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг чекка худудларидаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига олиб келиш ҳамда уйларига олиб бориб қўйиш учун битта автобус харид қилиш чораларини қўрсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2025 йил якунига қадар** камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим билан қамраб олишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 12 ” февралдаги 83-сон қарорига  
1-илова

**2025–2026 йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини  
ошириш бўйича чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Молиявий манбаси	Масъул
1.	Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш.	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари доирасида янги давлат мактабгача таълим ташкилотларини куриш, мавжуд таъмирталабларни реконструкция қилиш.</p> <p>Бунда 2025 йилда 14 тани янги куриш, 83 тани реконструкция қилиш.</p> <p>2. Мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини оширишга қўшимча бола ўринларини яратиш бўйича янги мактабгача таълим ташкилотларини куриш ёки мавжудларини реконструкция қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш.</p> <p>3. Янги 2 000 та нодавлат, жумладан, хусусий, давлат-хусусий шериклик асосидаги ва оиласвий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш.</p> <p>Бунда мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган маҳаллаларда:</p> <p>чекка ва олис маҳаллаларда оиласвий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари;</p> <p>бўш турган ижтимоий соҳа обьектларида қисқа муддатли гурухлар фаолиятини йўлга кўйиш.</p>	2025-2026 йиллар  Хар йили сентябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	

2.	6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов гурухлари билан түлиқ қамраб олиш.	<p>1. 6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш ишларини давом эттириш. Бунда:</p> <p>қисқа муддатли ва түлиқ кунлик тайёрлов гурухларини;</p> <p>тўлиқ коэффициентда ишламаётган умумий ўрта таълим мактабларининг бўш хоналарида бир йиллик мажбурий тайёрлов гурухларини ташкил қилиш.</p> <p>2. Мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш.</p>	2025-2026 йиллар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
3.	Аҳолининг яшаш даражаси ва тўлов қобилияти юқори бўлган (камбағал оиласалар кам бўлган) маҳаллаларда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш.	<p>1. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳолининг яшаш даражаси ва тўлов қобилияти юқори бўлган маҳаллаларни танлаб олиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Ўз маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш истагини билдирган ташаббускор тадбиркорларни аниқлаш.</p> <p>3. Тадбиркорлар томонидан “Мактабгача таълимни бошқариш” ахборот тизимида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун тақдим этилган электрон аризалар асосида давлат-хусусий шериклик битимларини тузиш.</p>	2025-2026 йиллар давомида ҳар йили январь  Доимий	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
4.	Аҳолининг тўлов қобилияти паст (камбағал оиласалар нисбатан қўп бўлган) ва демографик ўсиш даражаси юқори бўлган маҳаллаларда давлат, шунингдек, халқаро молия институтлари кредит ва грантлари ҳисобидан давлат-	<p>1. Аҳолининг тўлов қобилияти паст бўлган ва демографик ўсиш даражаси юқори бўлган маҳаллалар реестрини шакллантириш.</p> <p>2. Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш ташаббусини билдирган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш.</p>	2025-2026 йиллар	Халқаро молия институтлари маблағлари доирасида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги,

	хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш.	3. Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш учун ресурс таъминотини белгилаш. 4. Ресурс маблағлари шакллангандан сўнг белгиланган тартибда давлат ва хусусий шерик ўртасида битим имзолаш. 5. Давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш чорасини кўриш.			Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
5.	Республиканинг чекка ва олис маҳаллаларида оиласи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш.	1. Республиканинг чекка ва олис маҳаллаларини аниқлаш ва уларнинг реестрини шакллантириш. 2. Оиласи нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилиш истагини билдирган якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатини шакллантириш. 3. Якка тартибдаги тадбиркорлар билан ўрнатилган тартибда битимларни имзолаш. 4. Мактабгача таълимнинг афзаликлари бўйича ота-оналар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш ва болаларни қамраб олиш.	2025-2026 йиллар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида, ижрочилар маблағлари хисобидан	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
6.	Бўш турган ижтимоий соҳа муассасаларининг биноларида қисқа муддатли гурухларни ташкил этиш.	1. Бўш турган ижтимоий соҳа обьектлари ва улардаги бўш турган хоналарнинг ҳолатини аниқлаш. 2. Бўш турган обьектлар жойлашган маҳаллалардаги мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалар рўйхатини шакллантириш. 3. Бўш турган хоналарни таъмирлаш ва болаларнинг ёш хусусиятини инобатга олган ҳолда жиҳозлаш. 4. Қисқа муддатли гурухлар фаолиятини юритиш учун малакали педагогларни ишга жалб қилиш ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш. 5. Қисқа муддатли гурухларга болаларни қамраб олиш.	2025-2026 йиллар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 12 ” февралдаги 83-сон қарорига  
2-илова

**2025–2026 йилларда 3–7 ёшли болаларни мактабгача  
таълим билан қамраб олишнинг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худуд номи	Мактабгача таълим билан қамраб олинадиган болалар сони	
		2025 йил	2026 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	130 901	136 791
2.	Андижон вилояти	256 807	268 363
3.	Бухоро вилояти	138 650	144 889
4.	Жиззах вилояти	109 512	114 440
5.	Қашқадарё вилояти	211 221	220 726
6.	Навоий вилояти	76 758	80 213
7.	Наманган вилояти	217 993	227 803
8.	Самарқанд вилояти	281 270	293 927
9.	Сурхондарё вилояти	190 041	198 592
10.	Сирдарё вилояти	66 154	69 131
11.	Тошкент вилояти	174 873	182 743
12.	Фарғона вилояти	296 727	310 079
13.	Хоразм вилояти	136 114	142 240
14.	Тошкент шаҳри	171 302	179 010
<b>ЖАМИ:</b>		<b>2 458 322</b>	<b>2 568 946</b>



Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “ 12 ” февралдаги 83-сон қарорига  
3-илова

**Жаҳон банкининг “Болаларнинг эрта ёшдан ривожланишига  
кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида давлат мактабгача таълим  
ташкилотларини ўйин майдончалари ва тайёрлов гуруҳларини  
стол-стуллар билан жиҳозлаш бўйича  
КЎРСАТКИЧЛАР**

T/p	Худуд номи	Ўйин майдончалари		Тайёрлов гуруҳлари учун стол-стул
		МТТ сони	Ўйин майдончалари сони	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	479	475	396
2.	Андижон вилояти	552	610	—
3.	Бухоро вилоати	506	489	433
4.	Жиззах вилоати	243	259	151
5.	Навоий вилоати	225	223	204
6.	Наманган вилоати	620	674	—
7.	Қашқадарё вилоати	479	468	315
8.	Самарқанд вилоати	765	763	695
9.	Сирдарё вилоати	203	209	120
10.	Сурхондарё вилоати	469	466	315
11.	Тошкент вилоати	568	572	—
12.	Фарғона вилоати	917	981	—
13.	Хоразм вилоати	368	367	340
14.	Тошкент шаҳри	489	587	—
<b>ЖАМИ:</b>		<b>6 883</b>	<b>7 143</b>	<b>2 969</b>